

# Бу ерда сизнинг рекламангиз бўлиши мумкин



## РАҲБАРЛАР, ИҚТИСОДЧИЛАР, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ЁШ ОЛИМЛАР ДИҚҚАТИГА!

“Biznes-Эксперт” журнаliga йил давомида обуна бўлиш мумкин.  
Нашрга обунани расмийлаштиргач,  
Сиз ишончли эксперт ахборотига эга бўласиз.

Журналга “Ўзбекистон почтаси” АЖ, “Matbuot tarqatuvchi” АЖ  
ва бошқа обуна агентликлари орқали обуна бўлиш мумкин.

Ундан ташқари Сиз обуна шартномасини тўғридан-тўғри  
“Бизнес-Daily Медиа” Ноширлик уйи МЧЖ билан ҳам  
расмийлаштиришингиз мумкин. Обуна индекси – 1169.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (99871) 259-21-96, 259-21-95.

# Biznes-Эксперт

№ 11-12, 2021

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

МОЛИЯ

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР

ИЛМИЙ АМАЛИЁТ

Ушбу сонда:

Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан  
бошқариш воситалари ва вазифалари

74

В этом номере:

Внутренний валютный рынок Узбекистана и  
пути его стабилизации

151

ПРИВАТИЗАЦИЯ

ФИНАНСЫ

ЦЕННЫЕ БУМАГИ

НАУЧНАЯ ПРАКТИКА

### ДИҚҚАТ!

“Бизнес-Daily Медиа” ноширлик уйи МЧЖ ва EBSCO Publishing, Inc. (АҚШ) ўртасида 2017 йил 8 августда тузилган лицензия шартномасига асосан, “Biznes-эксперт” журнали жаҳоннинг энг йирик академик нашрлар электрон тизими ҳисобланган EBSCOhost маълумотлар базасига киритилган ва шу тизим орқали дунё бўйлаб тарқалмоқда.

### ВНИМАНИЕ!

Согласно постановлению Президиума Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан №201/3 от 30 декабря 2013 года, журнал «Biznes-Эксперт» внесен в реестр научных изданий Высшей аттестационной комиссии для докторских диссертаций.

## Вақтни бой берманг!

### Сиз журналга обуна бўлиш орқали:

- Ўзбекистон Республикасида ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар ҳақида таҳлилий мақолалар;
- мамлакатимиз ва жаҳон иқтисодиёти барча тармоқларининг таҳлили ва шарҳига бағишланган мақолалар;
- жаҳон ва мамлакатимиз фонд, валюта, товар-хом ашё биржаларидаги савдо яқунлари ҳамда иш жараёнларини ёритувчи мақолалар;
- жаҳон молия бозорлари, банк, суғурта, лизинг тизимларида рўй бераётган энг сўнгги маълумотлар;
- валютани мувофиқлаштириш, валюта курсларидаги ўзгаришларнинг иқтисодий вазиятга таъсири, дунё валюталари ҳақида ахборотлар;
- корпоратив бошқарувнинг жаҳон амалиёти, янгиликлари, соҳанинг кўзга кўринган мутахассислари берган назарий ва амалий шарҳлар;
- маркетинг мутахассислари учун: маркетинг, истеъмолчилар, ижтимоий ва бошқа тадқиқотларни ўтказиш, ахборотлар олиш ва уларни қайта ишлаш услублари;
- бухгалтерия ҳисоби, солиқ ва божхона қонунчилиги каби долзарб масалаларнинг муҳокамаси;
- илмий даражага даъвогар иқтидорли талаба ва ёш олимларнинг изланиш ва тадқиқотлари билан бевосита танишиш имконини қўлга киритасиз.

## УНУТМАНГ!

**Biznes-Эксперт** журнали сизнинг энг яқин ҳамкорингиз



Обуна индекси – 1169  
Қўшимча маълумот учун телефон:  
(71) 259-21-95

По вопросам размещения рекламы обращаться по телефонам:  
259-22-06, 259-21-97

Варианты размещения	Стоимость однократного размещения, тыс. сумов	Размеры модуля
<b>Вторая-третья страницы обложки</b>		
Страница	600	295×205мм
½ страницы	310	145×205мм, 295×105мм
⅓ страницы	210	100×205мм, 295×65мм
¼ страницы	160	145×105мм, 78×205мм
<b>Внутренние страницы</b>		
Разворот	1000	295×410мм
Страница	400	295×205мм
½ страницы	210	145×205мм, 295×105мм
⅓ страницы	140	100×205мм, 295×65мм
¼ страницы	110	145×105мм, 78×205мм
Classified*	40	50×60мм
<b>Четвертая страница обложки</b>		
Страница	800	295×205мм

\* - минимальный рекламный модуль (размер 50\*60мм) публикуется на внутренних страницах.

Скидки даются за кратность публикаций при объеме рекламы и объявлений не менее 100 кв. см и только при 100%-ной предварительной оплате заказа на следующих условиях:






- размещение **от 3 до 5 раз** – 5%;
- размещение **от 6 до 8 раз** – 10%;
- размещение **от 9 до 12 раз** – 20%;
- размещение **от 13 и более раз** – 25%;
- размещение минимального рекламного модуля в одном номере **от 5 и более раз** – 10%.

Стоимость подписки на один экземпляр журнала на весь 2020 год **300 000 сумов.**

Технические требования к макетам:  
Форматы: TIFF, CDR (Corel Draw), AI (Adobe Illustrator) или INDD (InDesign).

Цветовая модель CMYK, разрешение – 300 dpi

### Варианты размещения рекламы в журнале



## Интеграция

Мумтозбегим ХОЛМАТОВА.  
Тадбиркорлик фаолиятида истеъмолчилар билан ўзаро муносабатларни тартибга солиш тизимини такомиллаштириш 95

## Таҳлил

Фаррух РАШИДОВ.  
Акциядорлик жамиятларининг капитал бозорларида фаол иштирок этиши учун самарали маркетинг стратегияларини яратиш 98

## Халқаро тажриба

Эъзога ХАЙДАРОВА.  
Қурилиш материаллари саноати корхоналарининг инновацион фаолиятни бошқаришнинг хорижий давлатлар тажрибаси 103

## Рақамли технологиялар

Инъомжон ЮСОБОВ.  
Ўзбекистонда рақамлаштириш соҳасининг ривожланиш ҳолати 106

## Ислохот

Ғанижон ИБРАГИМОВ.  
Озиқ-овқат саноатини трансформациялашнинг устувор йўналишлари 110

## Тамойил

Абдусамат МАМАНАЗАРОВ.  
Ўзбекистон миллий бойлиги таркибда табиий ресурслар захираларининг ўзгариш тенденциялари 114

## Тавсия ва таҳлил

Набижон АКРАМОВ.  
Тўқимачилик саноати корхоналарининг стратегик бошқариш самарадорлигини ошириш концептуал моделини ишлаб чиқиш 119

## Мутахассис минбари

Алибек РАЖАБОВ.  
Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларининг статистик тавсифи 124

## Тажриба ва самара

Ҳакимжон ҲАКИМОВ.  
Фискал ва монетар сиёсатни мувофиқлаштиришда монетар қоидалардан фойдаланиш хусусиятлари 127

## Халқаро бозорлар

Шухрат ТЕМИРОВ.  
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини ошириш йўллари 131

## Саноат

Алишер РУСТАМОВ.  
Саноат корхоналарининг имий ва технологик ривожлантиришда замонавий ахборот коммуникацияларнинг ўрни 135

## Халқаро стандартлар

Ҳуснора ҲАСАНОВА.  
Энергетика саноатида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш йўналишлари 139

## Ҳуауа

Олимжон БОЙТЎРАЕВ.  
Фаргона водийсида туризм ресурслари салоҳиятини баҳолаш таҳлили 143

## Янгича ёндашувлар

Ғанижон ИБРАГИМОВ.  
Трансформация жараёнлари ва PERT усулидан фойдаланиб уларни амалга ошириш 147

# Содержание

## Валютный рынок

Эрмат КАДИРОВ, Жамшид МИРЗАКАРИМОВ.  
Внутренний валютный рынок Узбекистана и пути его стабилизации 151

## Экономика и экология

Нодирахон ХОДЖАЕВА.  
Социально-трудовая сфера в системе экологически ориентированной экономики 158

## Цифровизация торговли

Мунира ИСОХУЖАЕВА.  
Возможности цифровых технологий в сфере электронной коммерции 162

## Современная энергетика

Гульчехра АЛЛАЕВА.  
Обеспечение устойчивости развития ТЭК на основе применения инновационных энергоэффективных технологий 165

## Энергетика и инновации

Хилола БАХОДИРОВА.  
Анализ инновационно-инвестиционной деятельности предприятий энергетической отрасли 171

## Искусственный интеллект в бизнесе

Отабек ХУДАЙБЕРДИЕВ.  
Бизнес-модели с расширенными возможностями искусственного интеллекта для цифрового предпринимательства 174

## Развитие транспорта

Аяттило Шарустамов.  
Основные направления эффективного развития транспортной системы Узбекистана 177

## Agricultural clusters

Khamrokul Ruziev.  
Improvement of marketing activities of clusters in small businesses 182

УЎТ: 330.115. (575.1)

## Энергетика саноатида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш йўналишлари Направления внедрения международных стандартов финансового отчёта в энергетической промышленности Directions of implementation of international financial reporting standards in the energy industry

Хуснора ҲАСАНОВА,  
Тошкент давлат иқтисодий университети таянч докторанти.

### Аннотация

Мақолада энергетика саноати корхоналарида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш йўналишлари кўрсатилган. Унинг илмий-назарий асослари ёритилган ва уни амалиётга жорий этиш билан боғлиқ мумкинликлар ҳамда уларни ечиш йўллари келтирилган.

В статье показаны направления внедрения международных стандартов финансового отчёта на предприятиях энергетической промышленности. Освещены его научно-теоретические основы и проведены проблемы его внедрения на практике и пути их решения.

The article shows the direction of implementation of international financial reporting standards at energy industry enterprises. Its scientific and theoretical foundations are highlighted and the problems of its implementation in practice and the ways of their solution are discussed.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида энергетика саноатини ривожлантиришга ва мазкур тармоққа инвестициялар киритишга кенг эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “2020 йилда энергетика соҳасида хорижий инвесторлар билан давлат-хусусий шериклик асосида 6 та янги электр станциясини барпо этиш ишлари бошланди. Уларнинг умумий қиймати 2 миллиард доллар бўлиб, 2 минг 700 мегаватт қувватни ташкил этади” [1].

Энергетика саноати Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг муҳим таркибий қисми бўлиб, у электроэнергия ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришини ўз ичига олади [2]. Бу-

гунги кунда Ўзбекистонда қуввати 1000 МВт дан катта бўлган Тошкент, Янги Ангрен, Сирдарё, Навоий, Талимаржон ИЭСлари мавжуд. Қуввати 1000 МВт дан кичик бўлган ИЭСлар эса Ангрен, Фарғона, Муборак ва Тахиатошда жойлашган.

Республикада электроэнергия ишлаб чиқариш учун дарёларнинг гидроэнергетика ресурсларидан фойдаланилмоқда. Гидроэлектростанциялар (ГЭС) – тоғлардан бошланадиган дарёлардан арзон электр энергия олиш жараёнида амалга оширади. Чирчиқ – Бўзсув поғонали каскадида 19 та ГЭС қурилган бўлиб, дарёлар тезоқарлиги сабабли уларда оралиғи бир-бирига яқин бўлган ГЭСлар қурилади. Масалан, Ғазалкент (қуввати 120 МВт), Хўжакент (қуввати 165

**Калит сўзлар:** энергетика саноати, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, аудиторлик ташкилоти, инвестиция ҳисоботи, консолидацион ҳисоботлар, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар.

МВт) ва Чорвоқ (қуввати 620,5 МВт) ГЭСларини кўрсатиш мумкин. Чирчиқ-Бўзсув поғонали шаршараси энг йирик энергетика иншооти бўлиб, унда республикадаги 27 та ГЭСдан 19 таси жойлашган.

Бугунги кунда энергетика саноатида халқаро иқтисодий алоқаларнинг жадаллик билан ривожланиши ва соҳага киритилаётган инвестициялар ҳажмини ошириб бориши мазкур тармоқ корхоналарида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этишни талаб қилмоқда.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС)га мувофиқ тайёрланган инвестициялар ҳисоботлари олимлар, дунёнинг етук аудиторлик-консалтинг компаниялари, “PricewaterhouseCoopers” (PwC), KPMG томонидан илмий жиҳатдан ўрганилиб, у бўйича турли кўрсаткичлар ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ қилиб келинмоқда. Улардан келиб чиққан ҳолда инвестициялар ҳисобини икки қисмга бўлиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз: инвестициялар ҳисоби ва у бўйича тайёрланган консолидацион ҳисоботлар.

МХХСга мувофиқ инвестициялар ҳисоби бўйича тайёрланган консолидацион ҳисоботлар бўйича илмий қарашларга эътибор қаратсак, россиялик олим С.Ю. Леонтьев ўз илмий ишларида компанияларнинг консолидация ҳисоби методикасига кенг эътибор қаратган, консолидация ҳисоботини тайёрлашда методологик асос ва методологик шартлар талабларини ишлаб чиққан [3], Э.Р. Каримовнинг илмий тадқиқотларида инвестициялар ҳисобининг методологик ва концептуал асослари ва компания гуруҳларининг консолидация ҳисоботини тайёрлаш усуллари кўриб чиқилган [4], О.В. Бурлаковнинг илмий ишида консолидацион ҳисоботни тайёрлашда методологик асослардан, яъни, консолидацион ҳисоботнинг предмети, методи, объекти ва тайёрланиш услубидан фойдаланиш ёритиб берилган [5].

Ўзбекистонлик олим С.Н. Ташназаровнинг фикрига кўра “МХХС – бу молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи фанининг алоҳида тармоғи бўлиб, молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари зарурияти, ишлаб чиқиши, унинг мазмуни, интерпретацияси ва қўлланилишининг назарий ҳамда методологик масалаларини ўрга-

нувчи қисмидир” [6].

“PricewaterhouseCoopers” халқаро аудиторлик-консалтинг компанияси тадқиқотларига кўра МХХСнинг айрим стандартлари ҳозиргача ўзгариб турадиган тадқиқот мажмуидир. Шуни ҳисобга олиб “PricewaterhouseCoopers” аудиторлик-консалтинг компаниялари МХХС стандартларини профессионал мутахассислар билан биргаликда молиявий ҳисоботларни тузишни тақлиф этади. Бу келгусида молиявий ҳисоботни тузишда йўл қўйиладиган хато ва камчиликларни бартараф этишга замин яратади. Энергетика саноати корхоналарининг инвестициялар ҳисоби бўйича консолидация ҳисоботини тузишда ҳам бу тақлифни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

KPMG – халқаро аудиторлик-консалтинг компаниялардан бири бўлиб, энергетика саноати соҳасида кўп йиллардан бери ўз хизматлари билан МХХСларни Ўзбекистон Республикаси шароитига мувофиқлаштириш бўйича ўз хизматларини амалга ошириб келмоқда. Бу ташкилотнинг амалий тадқиқотлари энергетика саноатида инвестицияларни жалб қилишда, Ўзбекистон Республикаси энергетика бозорини халқаро бозорларда чидамлилигини оширишда, аҳолини ҳамёнбоп маҳсулот билан таъминлашда, инсонлар фаровонлигини оширишда ва ер юзида “яшил” энергетикани ривожлантиришда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

МХХСлари МДҲ давлатларида, жумладан, Россия ва Ўзбекистонда энди тадбиқ этила бошланди. Шуни назарга тутган ҳолда ривожланган хорижий мамлакатлар компанияларининг тадқиқотларини ўрганиш билан чекланиб қолмай, соҳа мутахассис-консултантлари билан фикр алмашиш мақсадга мувофиқдир. Албатта, энергетика саноати корхоналарининг консолидация ҳисоботини тузиш учун ҳам бу муҳим ҳисобланади.

МХХСга ўтишининг зарурияти шу билан белгиланадики, дунё бозорларига чиқиш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш, дунё хомашё ва валюта биржаларига котировка қилиш, дунё банкларидан кредит олиш учун компания ва ташкилотлар томонидан МХХСга мувофиқ молиявий ҳисобот тузишни талаб этилиши билан белгиланади. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ инвестициялар ҳисоботини тузиш эса барча акциядорлик компанияларида инвестициялар ҳисоботини тузишни энг

муҳим механизм сифатида хизмат қилиши керак деб ўйлаймиз.

Ҳозирги вақтга келиб бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларни унификациялаш муаммоси МҲХС Комитети томонидан ҳал қилинмоқда. МҲХС Комитети молиявий ҳисобот кўрсаткичларини шакллантириш бўйича тўпланган жаҳон тажрибасини сарҳисоб қиладиган халқаро стандартларни ишлаб чиқади. МҲХС миллий стандартларни алмаштириш ва шу билан бухгалтерия ҳисоби тизимини бирлаштиришга мўлжалланган.

Мамлакатимизда МҲХСни жорий этиш бир қатор меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиниб, 2016 йил 13 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири 22-моддасида “Халқаро стандартлар бўйича тuzиладиган молиявий ҳисоботга доир талаблар молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида белгиланади” деб қайд этилиши мамлакатимизда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари қўлланилишининг қонуний асосларини белгилаб беради. Қонуннинг янги таҳрири илғор хорижий тажрибалар ва халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштирилди [7].

Россиялик олима В.А. Терехова “Бухгалтерия ҳисоботи ва ҳисоботнинг халқаро ва миллий стандартлари” номли ўз асарида турли мамлакатларда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллашнинг қуйидаги олтита шаклини ажратиб кўрсатган:

1. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан миллий молиявий ҳисобот стандартлари сифатида фойдаланиш (Кипр, Қувайт, Латвия, Малта, Покистон, Тринидад ва Тобаго, Хорватия).

2. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан миллий стандарт сифатида фойдаланиш, шу билан бирга молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида (Малайзия ва Папуа-Янги Гвинея) ўз аксини топмаган масалалар бўйича ўз миллий стандартларига эга бўлиш.

3. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан миллий бухгалтерия ҳисоботи ва ҳисобот стандартлари сифатида фойдаланиш, миллий хусусиятлар туфайли молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари маълум бир ўзгаришларга учрайдиган кўринишдаги давлатлар. (Албания,

Бангладеш, Замбия, Кения, Колумбия, Польша, Таиланд, Уругвай, Ямайка).

4. Халқаро қоидаларга (Хитой, Эрон, Словения, Тунис ва Филиппинлар) қўшимча тушунтиришлар бериб, молиявий ҳисобни миллий стандартларини МҲХСга мувофиқ ишлаб чиқиш.

5. Миллий стандартларни тайёрлаш учун асос сифатида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан фойдаланган ҳолда молиявий ҳисобни миллий стандартлари батафсилроқ ёритилиши мумкин бўлса-да, улар қўшимча равишда молиявий ҳисоботларни тузиш учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида кўзда тутилмаган баъзи талабларни киритиши мумкин (Бразилия, Ҳиндистон, Ирландия, Литва, Мавритания, Мексика, Голландия, Норвегия, Португалия, Сингапур, Франция).

6. Австралия, Гонконг, Дания, Янги Зеландия, Швеция ҳам молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ миллий молиявий ҳисобот стандартларини ишлаб чиқмоқда, шу билан бирга ҳар бир миллий стандартда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари билан таққосланадиган қоидалар мавжуд.

Фикримизча, бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш ёндашуви, Концепцияни қабул қилиш билан амалга оширилаётган ислоҳот мантиғига мос келиши керак, аммо, бу концепция қатор камчиликларни истисно қилади:

1. Уни амалга ошириш учун маълум бир муддат йўқлиги, аниқ белгиланган босқичларни ва уларни амалга ошириш муддатларини сурилиши, бунинг амалга оширишда салбий омил ҳисобланади.

2. Ташкилотлар консолидацияланган молиявий ҳисоботларини БҲМС маълумотларидан ўзгартириб МҲХСга мувофиқ тузиш билан боғлиқ юқори харажатларга эътибор қаратиш. Концепцияда таъкидлаш керакки, МҲХС ва БҲМС форматидаги ҳисоботларни такрорланиши, бу молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллаш учун инфратузилма тайёрлаш билан боғлиқ.

3. Концепцияда бухгалтерия ҳисобини тартибга солишда профессионал бухгалтерия ташкилотларининг иштироки йўқлиги кўрсатилиши керак, аммо, айти пайтда бунинг объектив сабаблари борлиги эътиборга олинмиши – қонунчиликда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини давлат

томонидан тартибга солиниши назарда тутилган. Бухгалтерия бирлашмаларининг ролини кучайтириш, бу ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоби жараёни қоидаларини ишлаб чиқиш жараёнида функцияларини аниқ белгилаб бериши мумкин.

4. Концепцияда бухгалтерия маълумотларининг фойдалилиги миллий бухгалтерия ҳисоби-

ни юритиш учун асос сифатида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллаш орқали эришилади.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда МҲҲСни молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг алоҳида тармоғи сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи. 2020 йил 29 декабрь.
2. Махмудов Н.М., Хомидов С.О. Ўзбекистон саноати: ривожланиш омиллари, тенденцияси ва муаммолари. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2017 й. 43-б.
3. Леонтьев С.Ю. Консолидированный учет группы взаимосвязанных организаций. Автореферат. 2011 г.
4. Каримова Э.Р. Формирование консолидированной финансовой отчетности российских групп компаний по МСФО. Автореферат. 2016 г.
5. Бурлакова О.В. Методология консолидированного учета в корпоративных группах Российской Федерации. Автореферат. 2008 г.
6. С.Н. Ташназаров. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисобот: муаммо ва ечимлар. Монография. Т.: “Наврўз” нашриёти, 2016 й. 31-б.
7. Ҳайдаров Ш.У., Б.Маматов. Янги таҳрирдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига шарҳ. // Солиқ ва бухгалтерия ҳисоби. 2016 й. №5. 23-32-б.